


3-20-2019

RETROSPECTION IN CHINGIZ AITMATOV'S WORKS

Bahor Turaeva Senior Teacher, PhD
Uzbekistan World Languages University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Turaeva, Bahor Senior Teacher, PhD (2019) "RETROSPECTION IN CHINGIZ AITMATOV'S WORKS," *Philology Matters*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 42.
DOI: 10.36078/987654322
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Баҳор ТЎРАЕВА

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ АСАРЛАРИДА РЕТРОСПЕКЦИЯ

Мақолада бадий замон усулларидан бири ҳисобланган ретроспекция ва унинг асар композициясидаги ўрни тадқиқ этилган. Бадий ижоднинг ҳар қандай намунаси, ҳусусан, эпик носирчиликда муаллифнинг ғоявий-эстетик концепциясидан келиб чиққан ҳолда бадий замоннинг узвий таркибий қисмини ташкил этувчи турли хил усуллардан кенг фойдаланилади. Ретроспекция – ана шундай самарали ижодий-эстетик усул. Мақолада буюк адиб Чингиз Айтматовнинг асар воқеаларини бош қаҳрамоннинг ўтмишига назар солиш асносида сюжетни ташкил этиш маҳорати таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ретроспекция, проспекция, қисса, сюжет, қаҳрамон, бадий образ, персонаж, ровий, ретроспекция-хотира, ретроспекция-эдаликлар, ретроспекция-ривоят, ретроспекция-ҳикоя, ретроспекция-эпиграф.

В статье рассматривается роль художественного времени и методов его исследования в композиции произведения. В художественных произведениях широко используются различные методы, основанные на идейно-эстетической концепции автора, составляющие неотъемлемую часть художественного времени. В связи с этим ретроспекция является одним из наиболее эффективных эстетических методов. В данной статье анализируется мастерство великого писателя Чингиза Айтматова в создании сюжета сквозь взгляд в прошлое главных героев произведения.

Ключевые слова: ретроспекция, проспекция, история, сюжет, герой, художественный образ, личность, ретроспекция-память, ретроспекция-легенда, ретроспекция-история, ретроспекция-эпиграф.

The article studies the role of the literary time and its methods in the composition of the work. Various forms constituting an integral part of the literary time, based on the author's ideological-aesthetic conception, are widely used in the patterns of the literary time. In this regard, retrospection is considered as one of the effective creative-aesthetic methods. The following article analyzes the proficiency of the great writer, Chingiz Aytmatov, in creation of a story retrospectively the past of its main heroes.

Key words: retrospection, prospection, story, plot, hero, artistic image, personality, retrospection-memory, retrospection-legend, retrospection-story, retrospection-epigraph.

Бадий матн ҳар хил қисмларнинг тартибсиз тўплами эмас, балки бадий мукамал асарнинг органик бутунликка айланиши демакдир. Изчиллик ва алоқадорлик – бадийликнинг муҳим шартларидан бири. Матннинг систем-структурал табиати формал ва семантик томондан қисмларга ажратиб таҳлил қилиш имкониятини беради. Матннинг қисмлардан ташкил топганлиги

Баҳор Тўраева – ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

(бўлинувчанлиги) ва изчиллиги унинг табиатига хос бўлиб, бу хусусиятлар центрифуга ва центрипетал унсурларига боғлиқдир:

1. Центрифуга – асарда сюжет чизиқлари ва воқеа-ҳодисаларнинг аралшиб кетиши ва матннинг қисмларга бўлиниб кетишидир. Асар лейтмотиви, яъни бош ғоя атрофидаги сюжет чизиқлари тарқатилиб, сочиб юборилиб, марказдан узоқлаштирилади.

2. Центрипетал – бадий асарда барча қисмларнинг лейтмотив атрофида бирлашиб, турли кичкина деталлар ҳам битта мавзуга алоқадор бўлиб қолишидир. Марказга яқин атрофдаги воқеа-ҳодисаларни унга тортиш ва биргина муаммо ечими устида хизмат қилдиришидир. Матннинг ушбу ажратиб бўлмас центрифуга ва центрипетал унсурлари ретроспекция, проспекция ва ретардация каби матн категориялари орқали тўлдирилади. Бу категориялар сюжетни турли усулларда ривожлантиради:

Проспекция сюжетни олдинга, ретроспекция эса ортга йўналтиради [Selmis-traitis L., 2002; 51-58]. Проспекция – воқеаларни олдиндан айтиб бериш, ретроспекция – олдин содир бўлган воқеаларни ҳикоя қилишидир. Ҳар иккала восита ҳам макон ва замон континуумини бузади. Асар воқеалари ортга ёки келажакка йўналтирилган экан, сюжет чизиқларининг бир маромда тасвирланишига, ўзаро яқин ва алоқадор бўлган сюжет чизиқларини боғланишига халал беради. Шунга қарамасдан, матндаги мантиқий изчиллик сюжет чизиқларини бир-бирига боғлайди ва айтиб ўтилган ҳикоя кейингисига маъновий кўприк сифатида боғланади. Ретроспекция воқеани сюжетнинг ҳозирги ҳолатидан ўтган замонга қараб йўналтиради. Баъзида сюжетнинг ҳолати фақатгина хотирлаб, ҳикоя қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бадий сюжет қурилишининг асосий усулларидан бири сифатида ретроспекция ўтган ва ҳозирги замонларнинг жонли алоқасини кўрсатиш имконини берувчи ижодий анча кенг “оммалашган” адабий усулдир [Шодиев Н., 1986; 108-113]. Н.Ф. Ржевская ретроспекцияни воқеалар замонини режалаштиришнинг ажралиб турадиган усули, композициявий асослаш воситаси бўлиб, қаҳрамоннинг олдинги тарихини батафсил ифодалаш учун имконият яратишини, аҳвол-ҳолатини аниқлаштиришини таъкидлайди [Ржевская Н.Ф., 1969; 43]. Ҳар бир адабий жанрда ўз бадий-поэтик хусусиятларидан, муаллифнинг ижодий-эстетик ниятидан келиб чиққан ҳолда мазмунан турли шакл ва ҳажмдаги ретроспекция шаклларида фойдаланилади.

Бадий сюжет ҳодисаси баробарида, энг аввало, шу сюжет қурилишининг асосий принципларидан бири мақомида ретроспекция ўтган ва ҳозирги замонларнинг жонли алоқасини кўрсатиш имконини берувчи ижодий анча кенг “оммалашган” адабий усулдир. Ретроспекция – композициявий асослаш воситаси бўлиб, қаҳрамон ҳаётини, унинг олдинги тарихини кенгайтириш учун имконият яратади, аҳвол-ҳолатини аниқлаштиради.

Ретроспекциялар ичида, ҳатто, ўз мустақил сюжет замонига эга йирик ретроспекциялар мавжуд. Улар шаклан кўплаб ички ретроспекциялар қатламларидан таркиб топган бўлиб, композиция жиҳатдан ўзига хос ё қолиповчи ёхуд

қолипланувчи воқеаларнинг замонлари вазифасини ўтайди, ҳар бири ўзича у ёхуд бу ғоявий-бадий мундарижада романлар умумдраматик эпик замонларининг узвий тизимида замон-макон диалектикасида ҳалқаланади.

Буюк адиб Чингиз Айтматовнинг бадий маҳорати шундаки, воқеаларга ровий ёки персонаж нигоҳи орқали назар ташлайди, асосан унинг ўтмишига назар солади. Аксарият асарларидаги воқелик ровий тилидан баён этилган. Чингиз Айтматов роман ва қиссаларининг ғоявий-бадий концепциясини шакллантириш ва ифодалашда шу усулни маҳорат билан қўллаган. Персонаж ҳаётида қачонлардир рўй берган воқеа асосида асар сюжети қурилар экан, уларнинг юз бериш вақти билан ҳикоя қилиниш вақти бир-бирига мос келмайди. Сюжет чизиқларининг персонаж ҳозирдан унинг ўтмишига томон шиддатли ривожланишию қутилмаган бурилишларга эгаллиги ижодкор онгида акс этган воқеликнинг бадий моделини яратишда ўзгача услуб сифатида намоён бўлади.


«Эпик асарда ривоянинг объектив ва субъектив кўринишлари кузатилади. Биринчи ҳолда ровий «халис кузатувчи» мавқеидан туриб олиб борилади, яъни ровий воқеаларга аралашмайди, тасвир предметига муносабат очиқ ифодаланмайди; иккинчисид аса, аксинча, воқелик «ичдан ўтказиб» берилади, тасвир предметига муносабат ҳам ошкор ифодаланади» [Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М., 2013; 252]. Адиб асарларида иккинчи жиҳат устувор бўлиб, «Асрни қаритган кун»да Эдигей Бўрон, «Сомон йўли»да Тўлганой, «Алвидо Гулсари»да Танабой, «Сарвқомат дилбарим»да Илёс ва Бойтемир, «Жамила»да Сеит воқеликни «ичдан ўтказиб», бошидан кечирганлари ва ўзлари гувоҳ бўлган ҳодисаларни сўзлаб беришади. Мазкур асарларда муаллиф ўзини шу персонаж-ҳикоячилар ортига олади, китобхон ҳатто уни сезмайди. Воқелик жонли ифодаланиб, қаҳрамон китобхонни ўзига яқин олиб, унга дардини тўкиб солгандек, қувончини улашаётгандек, қалбининг тубида сақлаб юрган муқаддас сирини ошкор қилаётгандек бўлади. Адиб тасвирланаётган воқелик ичида, қаҳрамон шахсида яшар экан, у ҳеч вақт ўзлигини йўқотмайди. Персонаж юрагини ўз қалбига жойлайди, ўз ғоясини асар тўқимасига, ундаги қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари, қувонч ва дардлари, бахт ва фожиаларига сингдириб юборади.

Ч.Айтматов асарларида ретроспекциянинг хотира, ривоят, ҳикоя, эпитаф каби шакллари мавжуд:

1. Ретроспекция — хотира. «Асрни қаритган кун» романида Қазангап чолни Она Байит қабристонига дафн этиш учун боришдаги фурсат оралиғида Эдигей Бўрон бир асрга тенг воқеаларни хотирлайди: Уккубола билан кечирган бахтли дамлари, урушдан контузия касалига йўлиқиб қайтиши; Қазангап ва хотини Бўкей уларга ёрдам қўлини чўзганлиги (Эдигей ва Уккуболани Сариўзакка олиб келиши ва шубат унинг дардига шифо бўлади деб, Оқбош ва Қоранорни ҳадя қилиши); Абутолиб ва Зарифаларнинг Сариўзакка кўчиб келишлари, Абутолибнинг Жанубий Баварияда немислар қўлига асир олинishi ҳамда умрининг охирига қадар асирлик пешонасида тамға сифатида босилиб, чағиркўз Тансиқбоев томонидан Абутолиб Қуттибоевнинг фақат болалари учун ёзилган хотираларига сиёсий айблов қўйилиши; Эдигей Зарифанинг болалари: Довул ва Эрмакларга отаси Абутолибнинг сўнги илтимоси — денгиз ҳақида

сўзлаб бериши, Зарифани беихтиёр севиб қолиши, аммо буни сезган Зарифа билдирмасдан Сариўзакдан кетиб қолиши; Казангапнинг ўғли Собитжон отасига номуносиб фарзанд бўлиши – ҳамма-ҳаммаси Эдигей Бўрон хотиралари асосида асарда образли ифодаланади. «Она Байит сари боришар экан, Эдигей шу аснода йўл-йўлакай турли хаёлларга фарқ бўлди. Уфқ узра бош кўтара бошлаган қуёш ҳаёт оқимини ўлчаб, бўлиб ўтган жамики турмуш аччиқ-чучукларини эслатди унга» [Айтматов Ч., 2018; Б. 116]. Муаллиф асар воқеалари марказига Эдигей Бўрон образини қўяди ва ҳар бир ҳодисага унинг нигоҳи орқали назар солади. Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доимо тўқнашиб турадиган бугунги кунда меҳнаткаш одам адибга шахсияти, бой маънавий дунёси, замоннинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлантиргани билан ҳам қизиқарли ва қадрли эканлигини таъкидлаб, шу боисдан Эдигей Бўронни давримизнинг чархи олам меҳварига – ўзини ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилганлигини эътироф этади.

Романнинг умумретроспектив таркиби композициявий хилма-хил ва мураккаб бўлиб, бири учун иккинчиси ёки учинчиси композиция жиҳатдан қолипловчи ҳамда қолипланувчи вазифасини бажаради. «Арни қаритган кун» романида Эдигей Бўрон ва Уккубола сюжет чизиғи қолипловчи бўлиб, Казангап, Бўкей, Собитжон, Ойзода ва унинг пиёниста эри; Абутолиб Қуттибоев, Зарифа ва уларнинг ўғиллари: Довул ва Эрмак; Қоранор, Оқмоя ва Найман она ҳамда унинг манқурт ўғли Жўломон; Эрлепес, Раймали оға ва Бегимой сюжет чизиқларини туташтириб, асар яхлитлигини таъминлаган.



1.1-расм: «Арни қаритган кун» романининг қолипловчи ва қолипланувчи сюжет чизиқлари.

Асарнинг ғоясига сафарбар ретроспектив чекинишлар ҳар бири ўз ҳолича, бир нечаси муштарак мундарижада замон-макон диалектикаси ўлароқ, ҳикоя қилинаётган муайян замонларда кечмиш воқеа-ҳодисаларнинг бадиий мантиқ занжирига қолипловчи ёки қолипланувчи замон мақомларида ўзаро ҳалқаланади.

«Алвидо Гулсари» қиссасида Ватан урушидан кейинги оғир йилларда қирғиз йилқичилари ва чўпонлари – партия аъзоларининг қаҳрамонона меҳнатларини, ўша даврда чеккан азиятларини бош қаҳрамон Танабой Бағасов жони узилаётган оти Гулсари ёнида ўтириб бирма-бир кўз олдидан ўтказади: «Сўнг у яна ўтган воқеаларни эслай бошлади ва қандай қилиб кўпдан бери хаёлан ўтмиш кунларга қайтмаганлигига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Қачонлардир бўлиб ўтган ишларнинг ҳаммаси унинг хотирасида жонлана бошлади. Ҳеч нарса ҳам изсиз йўқолмас экан. Илгарилари у ўтмиш ҳақида кам ўйларди, тўғрироғи, ўйлашга йўл қўймасди. Энди бўлса, ўғли ва келини билан бўлган гап-сўздан кейин жонини бераётган саман отнинг жиловидан ушлаб йўлда кетаркан, бошидан ўтган йилларни алам ва ҳасрат билан элади ва бу йилларнинг ҳаммаси унинг кўз ўнгида яққол гавдаланди» [Айтматов Ч., 1969; 28]. Қиссада бош қаҳрамон хотираларига муштарак ҳолда Гулсарининг ҳам ўй-кечинмалари тасвирланган. Ранги сап-сарик бўлгани учун Гулсари деб ном олган йўрға жон талвасасида қийналаётган, боши бангидевона ўтини егандек гир-гир айланаётган, хира кўзлари ўнгида ер рангли ҳалқалар сингари сузаётган бўлса-да, болалигини хотирлайди. Туёқлари остидаги қаттиқ ернинг омонатлигини ҳис этиш отнинг сўниқ хотирасига узоқ ўтмишдаги ўша ёз кунларини, онасининг бирдан меҳрибонлик билан пишқирувчи булутга айланиб қолишини, эгарланган ҳолда ҳар хил йўлларни босиб ўтганини хаёлида жонлантиради.

Йилқичи Тўрғай Гулсарини яхши йўрға бўлишини башорат қилган эди, ҳақиқатан шундай бўлди, аммо йўрғалик қобилияти бошига кўп кулфатларни солди. Колхоз раиси Гулсарининг таърифини эшитиб, яйловдан отни олдирди, эвазига Иброҳимни чорвачилик бўйича раис муовини лавозими билан сийлади. Танабой Гулсарининг олиб кетилишига қанча уринмасин, қаршилиқ кўрсата олмади.

Ёзувчи кекса одам ва қари от образларини ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб чарчаган, бир умр меҳнат қилиб, рўшнолик кўрмаганлик мотиви остида бирлаштиради.

Бош қаҳрамон Танабой йилқичиликдан чўпонликка ўтганда қўйхоналар таъмирламаганлиги ва пичан тайёрламаган ферма мудирининг касофатидан баҳорда совлиқ қўйлар, қўзилар нобуд бўлади, лекин юқори идораларга жойлашиб олган бюрократлар ҳамма айбони чўпонга тўнкайдилар: «*Сен зараркундасан! Сен колхоз мулкани йўқ қилиб юборяпсан. Сен халқ душманисан. Сенинг ўрнинг партида эмас, турмада. Сен мусобақа устидан куляпсан. – Ҳа, турмада, менинг жойим турмада, – тасдиқлади Танабой боягидек осойишталик билан. Унинг қалбини тимдалаган алам, сабр косасини тўлдирган аччиқ ҳасратдан жилмайган лаблари пирпираб*» [Айтматов Ч., 2018].

Қисса якунида Танабой партбилетини олиб беришини илтимос қилиб, Жўранинг ўғли Шомансурга хат ёзишга жазм этди. Александровкадан қайтишда

ажойиб йўрғасининг ўлиб қолгани, тун бўйи отнинг ёнида ўтириб, бутун ҳаётини ўйлаб чиққанини, худди отидек ўлиб кетиши мумкин эмаслигини айтиб, ҳақиқатни тиклашига, яъни партияга қайтишига ёрдам сўрайди.

Ёзувчи Танабой ва Гулсари хотиралари асосида собиқ совет тузуми даврида инсон қадр-қимматининг поймол этилганини образли, таъсирли ифодалади. Келинининг *«бутун умрингизни чўпонлигу йилқиччилик қилиб ўтказар экансиз, партияга кириб нима қилардингиз, мана қариганингизда ҳайдашди»* дашноми ҳаёти тинимсиз меҳнат, азоб-уқубат билан ўтган Танабой юрагига наштардек санчилди. Ч.Айтматов қаҳрамон қалб призмаси орқали яқин ўтмишга назар солди.

«Сомон йўли»да кекса Тўлғанойнинг ҳаёти, қалбининг қат-қатида яшириб юрган сири (невараси Жонбўлот ўғли Қосимники эмас, балки урушдан қайтиб чўпонлик қилган йигитнинг фарзанди экани) ҳақида она Ерга қилган ҳасрати, эсдаликлари қиссанинг мазмун-моҳиятини белгилайди: *«Ундан бери қанча вақтлар ўтиб кетди-ку, эслолмайман. — Йўқ, сен ўша вақтларни эслашга бир ҳаракат қилиб кўрчи, Тўлғаной. Қани бир бошидан эслачи. — Эсимда яхши қолмабди»* [Айтматов Ч., 2018]. Қиссада воқеалар тизгини бир маромда Тўлғанойнинг бахтдан сармаст дамлари: Сувонқулни севиб, турмуш қуриши, бирин-кетин уч ўғилнинг онасига айланиши, катта ўғли Қосимни гул суйган келини Алиманга уйлантириши тасвирланади. Кейин воқеалар ўзани кескин бурилиш ясайди. Уруш бошланиб, воқеалар шиддатли тус олади, яъни тақдир чархпалаги тескарисига айланиб, аввал Сувонқул ва Қосимдан, кейин Майсалбекдан жудо бўлиши, дом-дараксиз кетган Жайноқни интиқ бўлиб кутиши, келини Алиманнинг ҳомиладор бўлганда фарзандини неvara (хаёлида Қосимнинг боласи) сифатида қабул қилиши ҳамда бахтдан ва ҳаётдан мосуво келини Алиманни ўз қўли билан қабрга қўйишини Тўлғаной бирма-бир эслайди: *«...бўлган ҳақиқатни бола тўғри тушунсин деб мен унга ёлғиз ўз тақдиринигина эмас, балки бутун замонанинг тарихини, ўтган-кетганлар хусусида, ўзим ҳақимда, ба-рига гувоҳ бўлган, саховатли далам, сенинг ҳақингда, қолаверса, ўша кезде ҳеч нимадан беҳабар миниб ўйнаб юрган велосипеда ҳақида айтиб беришим керак. Балки шундагина тўғри қилган бўларман. Турмуш ҳаммамизни бир тугунга боғлаб, ҳамирдек қориштириб қўйган экан, ҳеч нимани яшириб ҳам, қўшиб ҳам бўлмайди. Ҳатто бола эмас, кекса киши ҳам бу ишни ҳар хил тушуниши мумкин. Кўзимнинг очигида шу катта қарзимдан қутулсам, ўлсам армонсиз кетардим...»* [Айтматов Ч., 2018].

Қиссада уруш даврининг заҳмати, айрилиқнинг аччиқ азобини тотган Тўлғаной ва она Ер тимсолида табиат ва инсон муносабатлари акс эттирилган. Адиб Тўлғанойнинг ўтмиш қувончларию азобларини она Ерга тўкиб солиши ва дардлашиши ҳақида ёзар экан, воқеалар драматизмини бўшаштирмайди. Она Ер билан суҳбатда уруш воқеаларини эслаши ва уларни ўз бошидан кечирган воқеалар билан боғлаши асар сюжетининг яхлитлигини таъминлаган. Биргина эслашдан иборат руҳий ҳолатнинг ўзи ҳар бир характер хатти-ҳаракатидаги янги қирраларни очиш имконини берган. Ретроспекция-эсда-

ликларда қаҳрамоннинг ўтмиш ҳаёти хотирланиши, эса олиниси асардаги воқеалар оқимини тўлдиришга, замон-макон (хронотоп)ини кенгайтиришга ёрдам берган.

2. Ретроспекция – ҳикоя. “Сарвқомат дилбарим”нинг композицияси муқаддима ва икки ҳикоя (шофёр ҳамда йўл мастерининг ҳикояси)дан таркиб топган. Муқаддимада бир журналистнинг шошилиш суратда Рибачега етиб олиш илинжида халқаро қатнов белгиси “SU” деб ёзилган юк машинаси эгасига илтимос қилиши, аммо шофёр рад этиб, шошиб кетиб қолиши, орадан кўп ўтмай журналист Қирғизистоннинг жанубига, Ўш вилоятига хизмат сафарига жўнаб кетаётганда ҳалиги шофёр билан бир купеда тасодифий учрашиб қолишгани журналист тилидан баён этилади.

«Буларнинг бари ҳеч қутилмаганда рўй берди. Ўша кезларда мен моторлашган қисмда ҳарбий хизматни ўтаб бўлиб, армиядан эндигина қайтиб келган эдим. Ҳарбий хизматга борганимча, ўн йилликни тамомлаб, шофёрлик қилардим» [Айтматов Ч., 2018], дея бошланади шофёр ҳикояси. Илгир йўлда Асални учратиш, севиб қолгани, бировга унаштирилган қизни олиб қочиб, турмуш қуриши, ўйинли бўлгани, автобазада ўзи билан ишлаётган Хадичага кўнгил қўйиб, Асалга хиёнат қилганини журналистга тўкиб солади.

Асал уни тарк этади, тоғдан қор кўчиши оқибатида хотини ва қизларидан ажраб қолган Бойтемир билан турмуш қуради. Маст ҳолда автоҳалокатга учраган Илгирни Бойтемир уйига олиб келади: *«Бошқа одамни «дада» деб эркаланаётган ўз ўғлим билан ёнма-ён ўтириш менга осон дейсизми? Висолида қанчалар изтироб чекканим Асал, менинг азиз Асалим рўпарамда ўтирган бўлса-ю, кўзларига тик қарашга журъат эта олмасам. Қандай қилиб бу ерга келиб қолдиргани у. Севиб қолиб турмушга чиқдимикан?»*

Йўл мастерининг ҳикоясида Бойтемирнинг Гулбара ва Асал билан кечирган ҳаётлари баён қилинган. Гулбара билан ниҳоятда бахтли оила қуришгани, урушга жўнатилиши, қайтгач эса уйи қор кўчкисиде қолиб, Гулбара ва қизларидан бевақт жудо бўлиши чуқур психологизмга асосланиб тасвирланган. Бойтемир ҳаётига Асал ва унинг ўғли Самад мазмун олиб киришганини журналистга айтиб беради. Қисса журналистнинг ўйлари билан яқунланади: *«Мен Бойтемирдан эшитганларимни Илгирга сўзлаб бермадим. Ахир бу одамларнинг кўркамлиги ва қадр-қиммати ҳам уларнинг бир-бири ҳақида ҳеч нарса билмасдан туриб, бир-бирига шу қадар олижаноблик қилишида, инсоний муносабатда бўлишида эмасми! Шундай экан, унга сўзлаб нима ҳам қилардим.»*

Муаллиф «Сарвқомат дилбарим» қиссаси нега икки ҳикоядан иборат эканлигига қўйидагича изоҳ берган: *«Эҳтимол ўқувчилар «Икки ҳикоядан иборат қисса» деган ғалати сарлавҳачага эътибор қилишгандир. Ҳа, дарвоқе, шундай. Бу шунчаки муаллифнинг хоҳиши билан бўлган нарса эмас. Маълумки, одатда, зарурат туғилса, адабий асарлар бўлим, боб ва қиссаларга ажратилади. Ҳикоя эса ўз-ўзидан мустақил асардир. Бироқ бу ерда гап шакл ҳақида кетаётгани йўқ» [Айтматов Ч., 2018].*

Илёс ва Бойтемир ҳаётларида содир бўлган воқеаларни журналистга баён қилиш нуқтасида қиссанинг икки мустақил сюжет чизиғи кесишади. Икки ҳикояни бирлаштириб турувчи образ Асал бўлиб, тақдирнинг қисмати туфайли бири тортиб олган бахтни бошқаси унга тортиқ қилади. Икки ретроспекция-ҳикояни қолипловчи воқеа журналистнинг хизмат сафари туфайли ҳикоячи персонажлар – Илёс ва Бойтемир билан суҳбати ҳисобланади.

3. Ретроспекция-ривоят. Ёзувчи асарларида шу куннинг долзарб ҳодисалари халқ оғзаки ижоди орқали етиб келган афсоналар, ривоятлар билан сингиб ажиб бир яхлитлик ташкил этади. «Манқуртлар ҳақидаги ривоят «Асрга татиғулик кун» романининг замонавий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим қисм ва романининг буткул ҳужайраларига сингиб кетган етакчи ғоялардан бирининг манбаидир» [<http://e-adabiyot.uz>]. Бошига туя терисини қошлаш натижасида хотирасидан маҳрум қилинган, манқуртга айлантирилган ўғли Жўломонни Найман она жунгжанглардан халос қилиш учун Оқмоёси билан ҳар қанча ҳаракат қилмасин, кимсасиз саҳрода ёлғиз онанинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Манқурт ўвил камондан ўқ узганда онани ўлим зарбаси маҳв этади. «*Оқмоядан қулаётганда бошидан сирғалиб тушган рўмоли қушга айланиб, кимнинг фарзандисан эслаб қўр! Отинг нима? Отангинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!*» [Айтматов Ч., 2018; 185], дея бугунга қадар учраган йўловчига шундай садо чиқарар экан.

Казангапнинг ўғли Собитжон Жўломонга параллел қўйилади. Отасининг охириги васиятини бажо келтиришга қурби етмаган, мотам маросими га халал берган Собитжон ҳақиқий манқурт. Эдигейга ҳатто «*ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Мунчалик чўзиб, бош қотириб ўтиришнинг нима кераги бор? Ўлган одамга қаерга кўмилишининг нима аҳамияти бор?*» қабилда ғалати гапларни айтади. Манзилга етиб боришганда Она Байит қабристони космодром зонасига айлантирилгани боис майитни Малақумдичоп жарлиги (ўғлининг манқуртга айлантирилганига амин бўлган Найман она шу ерда марсия айтиб, зор қақшаб йиғлаган) да дафн этишади. Эдигей Бўрон ва Эдилбой Дароз лейтенант Тансиқбоевга ялиниб-ёлвориларига қарамай, муқаддас Она Байит қабристонига ўтолмаганликларида Собитжон «*Қалай? Дарвозага етганда орқаларингга тепишдими? Шундай бўлиши керак эди! Она Байит, Она Байит, деб роса учиб-қўндиларинг! Мана сизларга Она Байит! Мана энди калтакланган итдек бўлдиларингми?*», дея бақириб-чақириб ўзининг тубанлигини кўрсатади. Муаллиф Эдигей Бўрон тилидан унга “Сен манқуртсан! Ҳақиқий манқурт! деб таъриф беради. Бундан минг йиллар муқаддам содир бўлган Найман она ва ўғли Жўломон ҳақидаги ретроспекция-ривоят инсоний туйғулардан маҳрум Собитжон образини янада жонли, ифоданинг таъсирли бўлишига хизмат қилган.

Асарда яна бир ретроспекция-ривоят Раймали оға ва қўшиқчи қиз Бегимой муҳаббати Эдигей Бўроннинг Зарифани севиб қолишига муштарак ҳолда келтирилади. Кекса Раймали оға ўн тўққиз ёшли қизга кўнгил қўяди: «*Келсанг чанқаб йироқдан, сув ичсам деб булоқдан, сарин эсан ел каби йўлинг тўсиб чиқсам мен,*

Бегимой. Тақдиримга ёзилгани — тугаб турган бўлсам ҳам, лекин ҳали ўлимдан йироқман, Бегимой. Айрилганим ўзингдан, айрилганим кўзимдан, шунинг учун Бегимой, асрлар ўтар-кетар, аммо сени деб қарилликка бўй бермай, ўлим сари йўл тутмай мангу яшаб қоларман...» Бир тўйда энг яхши ўтов — бўз уйга таниқли одамлар қатори Раймали оға оқсоқолларга хос баъмани гаплардан сўзлаб ўтирганда ўтов эшигидаги каштали пардани очиб, табиатнинг моҳир қўллари томонидан яратилган, шўх, мағрур, сарвқомат қиз бўсағада пайдо бўлади ва Раймали оғага дўмбирасини чертангача муборакбод қўшиғини баралла куйлайди: «*Чанқоғин қондирмоқ-чун олисдан йўл тортиб, қудуқ излаб келаётган сарбон сингари ҳузурингта шошилдим мен, довруқли Раймали оға. ...қатралардан бол тўйлаган асалари сингари, бу учрашувга умр бўйи интилдим. Ғунча янглиғ шу қунга интиқ эдим, минг шукрки, ниятимга эришдим!...*» [Айтматов Ч., 2018; 355]. Бегимой билан Сарбозорда жирловга ният қилишганида укаси Абдилхон ва Барақбай уруғининг оқсоқоллари Раймали оға кексайганда ёш қизга кўнгили қўйганига ор-номус қилишиб, уни қайинга чирмаб боғлаб, тушпори Сараллани бўғизлашади.

Зарифа болаларини олиб, Сариўзақдак кетиб қолганида Эдигей Бўрон ҳам Раймали оғадан кам қийналмади: “Эдигей бу кимсасиз уйда шу зайлда ҳолсизланиб, изтироб ичида эсанкираб, ақли етмаган бир саволни бот-бот такрорларди: «*Нега кетди, қаёққа кетди? Нега кетди, қаёққа кетди? ...Эдигей қуюн аралаш ер бағирлаб эсаётган изғирин шамолнинг ҳуштак чалиб эсишини, тепадан савалаб ёғаётган қорнинг шивирини эшитиб турди. Севимли аёлингдан, суюмли болаларингдан (Эдигей Зарифага бўлган муҳаббати туфайли Довул ва Эрмакларни худди ўз ўғлидек қабул қилган эди) айрилиб яшаган умринг қурсин, бундай умрининг маънисини йўқ, дегандек миллионлаб қор учқунлари ҳавода майин шитирлаб, қулоғига гапирётгандек бўлиб туюлди. Эдигей шу ернинг ўзидаёқ қор остига кўмилиб ўлишни афзал кўрди*» [Айтматов Ч., 2018; 342].

Ч.Айтматов кўп йиллар олдин Раймали оғанинг тилларда дoston бўлган севгисини асарда келтириш орқали Эдигей Бўроннинг муҳаббатини яна-да кучлироқ, таъсирлироқ, гўзалроқ тарзда ифодалашга эришди. Ретроспекция-ривоят ифоданинг ёрқин, тасвирнинг жонли бўлишига хизмат қилиб, эстетик таъсир кучини оширган. Икки сюжет чизигининг ёндош қўллангани катта бадиий самара берган.

4. Ретроспекция-эпиграф. «Сомон йўли» қиссасида «*Ота, мен сенга ёдгорлик ўрнатолмадим. Сенинг қаерга дафн этилганлигингни ҳам билолмайман. Ушбу асаримни, отам Тўрақул Айтматов, сенга бағишлайман. Она, сен бизни улғайтириб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Наима Айтматова, сенга бағишлайман*» [Айтматов Ч., 2018; 238] эпиграфида рамзий маъно яширин. Тўлганойнинг эри ва ўғиллари урушга кетиб, ҳалок бўлишлари замирида халқнинг эрки, озодлиги учун жанг қилган инсонларнинг муқаддас сиймоси гавдаланади. Адибнинг отаси ҳам «совуқ уруш»нинг қурбони бўлди. Бутун Туркистон ўлкасида бўлганидек, миллатчиликда айбланиб, «халқ душмани» сифатида 1938 йил отиб ташланди. Сувонқул, Қосим, Майсалбек ва Жайноқларнинг ҳалок бўлиб, дом-дараксиз кетганлиги, қабри ҳам номаълумлиги отаси Тўрақул Айт-

матовнинг аянчли қисматига ишора. Адиб онаси Наима Айтматовани Тўлғаной қиёфасида асарига олиб кирди. Оиласи ва фарзандлари учун жонини фидо қиладиган заҳматқаш, меҳрибон она образини бетакрор услубда яратди: «*Бугун менинг сизинадиган куним, бугун менинг Сувонқулни, Қосимни, Майсалбекни, Жайноқни ва Алимани эслайдиган куним. Мен уларни ўла-ўлғунимча унутмайман*».

«Сомон йўли» қиссасида муаллиф айнан шу эпиграфни келтириши бежиз бўлмай, адиб ўзи яшаган уруш даврининг шафқатсиз манзарасини ишонарли тасвирлади.

Асар воқеаларини асосан муаллиф ва ҳикоячи «ўртасида» турган, воқеалар меҳварига қўйилган «халис»-ҳикоячи тилидан сўзлаб берилиши буюк адиб Чингиз Айтматовнинг чин маънодаги кашфиёти дейиш мумкин. Адибнинг «халис»-ҳикоячилари шунчаки қузатувчи эмас, аксинча воқелик уларнинг теграсида содир бўлади, асарнинг сюжет чизиқларини айнан шу образ узвийлаштиради. Ретроспекциянинг хотира, ривоят, ҳикоя, эпиграф каби шакллари айнан қаҳрамон бошидан кечирганларини сўзлаб бериши ва ўтмишига мурожаат қилиши, муаллифнинг ҳикоячи-персонаж нигоҳи орқали воқеликка разм солиши, воқеаларнинг драматик ҳолатларини ривоятлар билан асосланиши натижасида юзага келади. Чингиз Айтматов услубининг ўзига хослиги шундаки, аксарият асарларида воқеани ўз тилидан баён этмайди. Қаҳрамон ва китобхоннинг руҳий олами ва қалб тугёнларини уйғунлаштиради, ўз ғоясини асар тўқимасига, қаҳрамонларнинг ўй-хаёллари, орзу-интилишлари, қувонч ва дардлари, бахт ва фожияларига сингдириб юборади.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Aytmatov Ch. Asrni qaritgan kun. — Toshkent: Yangi asr avlodi, 2018. — 431 b.
2. Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: Qissalar. — Toshkent: “Sharq”, 2018. — 678 b.
3. Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: Qissalar. Sarvqomat dilbarim. — Toshkent: “Sharq”, 2018. — B.113-195.
4. Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: Qissalar. Alvido Gulsari. — Toshkent: “Sharq”, 2018. — B. 322-439.
5. Aytmatov Ch. Tanlangan asarlar: Qissalar. Somon yo‘li. — Toshkent: “Sharq”, 2018. — B. 237-297.
6. Rjevskaya N.F. Izucheniya problemi xudojestvennogo vremeni v zarubejnom literaturovedenii. — Vestnik Mosk. un-ta, Seriya X. Filologiya, 1969. — № 5. S. 43.
7. Shodiyev N. Gorizonti eposa. Xudojestvenno-esteticheskoye bogatstvo epicheskoy prozi literatur Sredney Azii i Kazaxstana. — Tashkent: Izd-vo lit. i iskusstva. 1986. — S. 108-113.
8. Quronov D., Mamajonov Z., Sheraliyeva M. Adabiyotshunoslik lug‘ati. — Toshkent: Akademnashr, 2013. — B. 252.
9. <http://e-adabiyot.uz/jahon/176-chingiz-aytmatov.html>.